



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 17 июль, № 145 (9040)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!

Мамлакатимиз мустақиллигининг 34 йиллигига

ЎЗАРО ИШОНЧГА АСОСЛАНГАН МУҲИМ ТАШАББУСЛАР

Ўзбекистоннинг халқаро саҳнадаги мавқеини
янада мустаҳкамлайди

Катта имконият, йирик бозор

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ)га 1985 йилда Туркия, Эрон ва Покистон томонидан асос солинган бўлиб, Ўзбекистон унга 1992 йили аъзо бўлиб кирган.

Айтиш жоизки, бугунги кунда ташкилотга аъзо давлатларнинг умумий майдони 8 миллион квадрат километр масофани қамраб олган. Бу — Осиё қитъасининг 20 фоизи, жаҳоннинг эса 6 фоиз қисmini ташкил этади дегани. Унинг ҳудуди, бир томондан, Ҳинд океани ва Ўрта ер денгизи, иккинчи томондан, қитъаларо куруқлик ва денгиз савдо йўллари ўртасида жойлашган дунёнинг энг стратегик аҳамиятга эга минтақаларидан бири ҳисобланади. ИХТ давлатлари бир-бирини тўлдирадиган улкан табиий, интеллектуал, саноат, аграр ва технологик ресурсларга эга. Иштироки давлатлар ўзаро интеграцияни чуқурлаштириш ва фойдаланилмаган салоҳиятни ишга тушириши зарурлигини, ҳамкорлиқни мустаҳкамлашдан келадиган умумий афзалликларни тобора чуқурроқ англаб етмоқда.

Дарҳақиқат, жаҳон бозорларидаги бугунги ноаниқлик ва глобал таъминот зан-

жирларининг беқарорлашуви шароитида мамлакатлар ўзаро ҳамкорлиқни мустаҳкамлашга интилаётгани мантиқан тўғри қарордир. Бинобарин, ИХТ минтақаси жамият ва бозор истеъмоли кўрсаткичлари нуктаи назаридан умумий 500 млн. нафардан кўпроқ аҳолига эга йирик бозор ҳамда катта имконият макони ҳисобланади. Буни тасаввур қилиш учун мазкур давлатлар ўртасидаги ўзаро товар айланмаси ҳажми 600 млрд. долларни ташкил этишини келтириш kifоя, назаримизда. Аммо кўшма инвестиция киритиш учун қулай шароит мавжудлигига қарамай ушбу йўналиш яқин пайтларгача ИХТнинг энг заиф томони бўлиб келди. Нега? Бу ҳақда сўз юритилганда, ташкилотга аъзо айрим давлатларда ички муаммоларнинг юзага келганлиги, сиёсий кескинлик ва унинг таъсирида пайдо бўлган ноқулай муҳит ўзаро сармоявий aloқаларга гов бўлганини aloҳида таъкидлаш жоиз.

Унутмаслик керакки, иқтисодий ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш фақат ушбу ташкилотнинг имкониятлари ва манбаларидан тўлақонли фойдаланиш билан рўёбга чиқади. Бунинг учун минтақада умумий хавфсизлик ва барқарорлиқни ҳамда ўзаро жипслиқни таъминлаш зарурий шарт ҳисобланади.



Жаҳон тажрибасидан аёнки, мамлакат иқтисодий тараққиётида нафақат ички захиралар, балки халқаро иқтисодий ташкилотлар ресурсларидан фойдаланиш ҳам муҳим омил саналади. Бироқ бугун ривожланган давлатлар ва халқаро бизнес тузилмалари ўз сармоясини инвестициявий жозибатор, қулай сармоявий муҳит яратилган мамлакатларга жойлаштиришга интилоқда. Шу боис юртимизга хорижий инвестициялар oқимини кўпайтиришга қаратилган изчил чора-тадбирлар кўрилаётди. Таъбир жоиз бўлса, йирик халқаро ташкилотлар, юқори салоҳиятли инвесторлар билан ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Президент Шавкат Мирзиёев шу йил 4 июль куни Озарбайжоннинг Хонкенди шаҳрида бўлиб ўтган Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги саммитида инвестициявий ҳамкорлиқни янги bosқичга олиб чиқиш, янада шаффоф ва жозибатор инвестиция муҳитини шакллантиришга қаратилган ташаббусни илгари сурди. Бу эса саммитда иштирок этган қатор давлатлар ва минтақавий ташкилотлар делегациялари раҳбарлари томонидан катта мамнуният билан қабул қилингани эътиборга молиқдир.

Сенат кўмитасида

Мақсад – давлат иштирокини қисқартириш ҳисобига хусусий секторни ривожлантириш

Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар кўмитаси мажлисида Давлат активларини бошқариш агентлигининг иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ҳамда хусусийлаштириш жараёнларини янада жадаллаштириш борасида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботи дастлабки тарзда эшитилди.

Муҳокама давомида сўнгги йилларда иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш, давлат мулк-иники хусусийлаштириш орқали хусусий сектор улўшини ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш, са-

марасиз ишлаётган ҳамда истиқболсиз корхоналарни тугатиш бўйича тизимли ислохотлар олиб борилаётгани таъкидланди.

Хусусан, 2021 йилдан буён устав фондида давлат улуши бўлган 500 дан

зиёд ҳўжалик жамиятлари ва давлат унитар корхоналари, 3,4 мингга яқин кўчмас мулк объектлари хусусийлаштирилган, 1 027 та корхона тугатилган ва 964 таси қайта ташкил этилган.

Шунингдек, 2021 — 2024 йилларда давлат активларини хусусийлаштириш натижасида 35,8 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилган.



Конунчилик палатасида

Расмий статистика:

ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР УЧУН ҚУЛАЙ ИМКОНияТЛАР

Олий Мажлис Конунчилик палатасининг Демократик институтлар, фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари кўмитаси томонидан "Расмий статистика соҳасида давлат бошқаруви тизими такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган семинар ўтказилди.

Унда Конунчилик палатаси депутатлари, Миллий статистика кўмитаси вакиллари, экспертлар ҳамда

ОАВ ходимлари иштирок этди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда статистика

маълумотлари сифатини янада яхшилаш, статистика кўрсаткичларининг тўлақонли маълумот базаларини яратиш, уларни халқаро стандартларга мослаштириш, ижтимоий-иқтисодий ва демографик соҳаларда статистиканинг замонавий усулларини жорий этиш борасида кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.



Ўрганиш

Инвестиция салоҳияти ҳамда экспорт масалаларида очиқ мулоқот

Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий aloқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари кўмитаси раиси Алишер Аъзамхўжаев Сирдарё вилоятининг Сирдарё туманида ўрганиш ишларини олиб борди.

Хусусан, сенатор туман ҳокимлигида маҳаллалар Кенгашлари ва идоралар масъуллари билан учрашув ўтказди. Унда Президент ташаббуси билан етакчи туманлардан бири сифатида белгиланган Сирдарё туманида иқтисодиётни ривожлантириш, ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш, шунингдек, инвестиция, туризм ва ташқи иқтисодий фаолият соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларни самарали ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди.

Ўрганиш давомида "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази ҳамда Илғор ва Оқ йўл маҳаллалари "маҳалла еттичилиги" фаолияти билан ҳам яқиндан танишилди. Сайловчилар билан учрашув ва очиқ мулоқотлар ташкил этилди.

Маҳалла раислари, профилактика инспекторлари, ёшлар етакчилари ва бошқа масъул-

лар иштирокида аҳолини ташвишга солаётган муаммолар аниқланиб, уларга тез ҳамда самарали ечим топиш, маҳаллаларнинг ижтимоий-иқтисодий барқарорлигини таъминлаш масалалари кўриб чиқилди.

Шунингдек, тумандаги йирик саноат корхоналари фаолияти ҳам эътибордан четда қолмади. Марказий Осиёда газоблок ишлаб чиқариш бўйича етакчи "BEGZODSHER" МЧЖ ҳамда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи "PENG SHENG" Хитой — Ўзбекистон қўшма корхонасида маҳаллий бозор ва экспорт учун ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўздан кечирилди.

Ўз навбатида, сенатор маҳаллий ва хорижий инвесторлар иштирокида туманининг инвестиция салоҳияти, амалга оширилаётган лойиҳалар ҳамда экспорт масалаларига бағишланган очиқ мулоқот ҳам ўтказди.

«Халқ сўзи».

ТАБАРРУК ТАШРИФЛАРНИНГ ТОТЛИ МЕВАЛАРИ

...Мана энди Президент Шавкат Мирзиёевнинг Тошкент вилоятига қилган битта ташрифи неча минглаб кўнгиللарга севинч, бахт, умид, ишонч, гўзаллик, нур бағишлаганини чамалаб кўринг. Сўнгра унинг ёнига яна ўн ташрифини қўшинг. Ўн ташриф — ўн тўлғаниш, ўн уйғониш, ўн эврилиш. Ҳар ташрифдан сўнг ҳеч нима йўқ жойларда азамат корхоналар қад кўтараётгани, қақирткан, ажрик босган ерлар гулларга кўмилиб бораётгани, юз-юзлаб оилалар уй-жойли бўлаётгани-ю, қаерга бош уришини билмай юрган минглаб ёшларнинг иш билан таъминланганини ҳисоблаб кўрсангиз, Президент ташрифларининг мазмун-моҳиятини янада теранроқ ҳис қиласиз.

Юртимиз бўйлаб...





Мақсад — давлат иштирокини қисқартириш ҳисобига хусусий секторни ривожлантириш

2024 йилнинг ноябрь ойида илк бор “Халқ-чил IPO” дастури доирасида Республика товар-хомашё биржасининг 3 миллиондан ортиқ акциялари аҳолига сотилиб, қарийб 11 минг киши акциядорга айланган.

Худудларда давлат активларидан самарали фойдаланиб, маҳаллий бюджетга тушумни кўпайтириш бўйича қўрилган чоралар ҳам ўз самарасини бермоқда.

Жумладан, 2021 — 2024 йилларда бўш турган давлат кўчмас мулки объектларини ижарага бериш ҳисобига қарийб 1,4 трлн. сўм миқдориди тушумлар таъминланиб, уларнинг 245,1 млрд. сўми маҳаллий бюджетларга йўналтирилган.

Тадбиркорларга янада қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган изчил чора-тадбирлар самараси ўлароқ хусусий секторга 50 дан ортиқ давлат хизматлари кўрсатилган.

Гарчи худудларда давлат активларидан самарали фойдаланиб, иқтисодиётга сезиларли ҳисса қўшилаётган бўлса-да, соҳада айрим муаммолар ҳам йўқ эмаслиги муҳокама жараёнида сенаторлар томонидан қайд этилди. Хусусан, давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган корхоналарнинг ярми зарар кўриб ишлаётгани, фаолиятсиз ва тугатиш жараёнида эканлиги таъкидланди. Ушбу корхоналарнинг асосий қисми Тошкент ва Қашқадарё вилоятлари ҳамда пойтахтимиз ҳиссасига тўғри келади.

Сенаторлар масъул идораларга давлат мулкни хусусийлаштиришда бошланғич нархни пасаитириш механизмларини ўз вақтида қўлламаслик, сотиб олинган давлат активларида инвестиция мажбуриятларини бажармаслик каби ҳолатларнинг олдини олиш бўйича ўз тақлиф ва таъсирларини берди.

Мажлис якунида қўрилган масала юзасидан кўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Ҳеч бир фуқаро ўз муаммоси билан ёлғиз қолмайди

Кеча Олий Мажлис Сенати қабулхонасида Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси раиси Абдулҳаким Эшмуратов фуқаролар муурожаатларини кўриб чикди.

Жумладан, Тошкент вилоятининг Чиноз туманида истиқомат қилувчи фуқаро иш билан таъминлаш масаласида ёрдам сўраган бўлса, Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманида яшовчи фуқаро О. Жавдатов эса одам савдосига қарши курашиш билан боғлиқ муаммони кўтарган.

Шунингдек, Сурхондарё вилоятида яшовчи Б. Умаров, пойтахтда истиқомат қилувчи М. Раҳмонова ва А. Беркинова суд қарорининг ижроси билан боғлиқ масалада ёрдам сўраб келган.

Қашқадарё вилоятиндан таширф буюрган Д. Дўлтаева, Андижон вилоятининг Андижон туманидан келган С. Абубакирова ва М. Мўйдинова моддий ёрдам кўрсатиш борасидаги муаммолари юзасидан муурожаат қилди.

Сенатор муурожаатларни диққат билан эшитиб, фуқароларга ҳуқуқий тушунтиришлар берди ҳамда тилга олинган муаммоларга ечим топиш мақсадида масъул ташкилотларга тегишли топшириқлар юкланди.

«Халқ сўзи».

«Халқ сўзи».

ЗАМОНАВИЙ ВА ХАВФСИЗ ШАРОИТ — СИФАТЛИ ТАЪЛИМГА ПОЙДЕВОР

Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари кўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор Малика Қодирхонова Тошкент вилоятидаги умумий ўрта таълим муассасаларида аниқланган айрим муаммоли ҳолатлар юзасидан Тошкент вилояти ҳокимлигига сенатор сўрови юборди.

Сенатор сўрови

Унда таъкидланганидек, мамлакатимизда умумий ўрта таълим тизимини ривожлантириш, ўқувчилар учун замонавий ва хавфсиз шароитлар яратиш борасида тизимли ислохотлар амалга оширилаётганига қарамай, айрим худудларда мактабларнинг моддий-техник ҳолати ва инфратузилмаси билан боғлиқ ечимини кутаётган масалалар мавжуд.

Хусусан, Нурафшон шаҳридаги “Оппоқ” маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган 10-умумий ўрта таълим мактаби ва аҳоли яшаш ҳудуди оралиги девор билан ўралмаган. Мактабнинг

аҳоли билан туташган 900 метрлик чегара қисми очиқ бўлиб, бу мактаб ҳудудида экилган дарахт ва манзарали кўчатларга зарар етказилишига сабаб бўлмоқда. Президентнинг 2022 йил 12 майдаги тегишли қарорига мувофиқ умумий ўрта таълим муассасаларининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида уларнинг худудларини ўраш ва бошқа зарур чораларни кўриш вилоят ҳокимликлари зиммасига юклатилган.

Бундан ташқари, Зангиота туманидаги Ибрат маҳалласида жойлашган 21-умумий ўрта таълим мактабида ўқувчилар учун спорт зали йўқ. Аввал-

лари мавжуд бўлган ушбу мактабнинг спорт зали Зангиота тумани ҳокимининг 2017 йил 26 январдаги қарорига асосан бузилган бўлиб, етти йилдан бери янги спорт зали қуриб берилмаган. Натижада ўқувчиларнинг жисмоний тарбия машғулотлари тўлиқ ўтказилмапти.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, сенатор томонидан “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонуннинг 15-моддасига асосан Нурафшон шаҳридаги 10-умумтаълим мактаби атрофини ўраш орқали ўқувчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда Зангиота туманидаги 21-мактабда жисмоний тарбия дарслари учун зарур спорт иншоотини барпо этиш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар юзасидан мутасадди ташкилотлардан асослантирилган тушунтириш бериш сўралган.

«Халқ сўзи».

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН РАВНАҚИНИНГ СИЁСИЙ ТАЯНЧИ ВА МАЪНАВИЙ АСОСИ

1991 йил 31 август — ўз тақдирини ўзи белгилашни танлаган мард ва олийжаноб халқимизнинг улкан ютуғи сифатида миллий тарихимизга зарҳал ҳарфлар билан муҳрланган сана. Бу кун мустақилликка эришган Ўзбекистон учун фақат сиёсий эмас, балки маънавий қайта туғилиш, халқнинг ҳақиқий суверен субъект сифатида жаҳон майдонида муносиб ўрин эгаллашига йўл очган тарихий бурилиш нуқтасидир.

Муносабат

Президент Шавкат Мирзиёевнинг давлат мустақиллигининг 34 йиллиги муносабати билан қабул қилган қарорида айни шу гоёлар яна бир бор аниқ ва равшан ифода этилди: “Мустақиллик — Ватанимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини юксалтиришда бекиёс таянч бўлиб хизмат қилмоқда”.

Сўнгги саккиз йилда янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар асосида мамлакат ижтимоий ҳаётида том маънодаги юксалиш кузатилди. Бу жараёнлар нафақат иқтисодий ўсиш, балки инсон қадрини улуғлаш, барча фуқаро учун тенг имкониятлар яратиш, ижтимоий ҳимоя механизмларини кучайтириш орқали халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган. Айниқса, таълим, соғлиқни сақлаш, уй-жой, ёшлар сиёсати, маданият ва спорт каби соҳаларда амалга оширилган ислохотлар мустақиллик шарофати билан шакллانган сиёсий-ҳуқуқий заминнинг амалдаги натижаларидир.

Мустақиллик бизга ижтимоий адолат ва инсон ҳуқуқларини устувор қадриятга айлантириш имконини берди. Янги таҳрирдаги Конституцияда давлатнинг “ижтимоий характерга” эга экани мустаҳкамлангани ҳам бу сиёсатнинг давомийлигини тасдиқлайди.

Давлат томонидан камбағалликни қисқартириш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини қўллаб-қувватлаш, пенсия ва нафақаларни босқичма-босқич ошириш бўйича бажарилаётган ишлар жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, айнан мустақиллик, барча сиёсий-ҳуқуқий қафолатни ўзида муҷассам этган ҳолда “Ўзбекистон — 2030” стратегиямизни амалга ошириш, жамиятимизда тинчлик, дўстлик ва ҳамжихатлик муҳитини кучайтириш, инсон қадри, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, минтақамиз-

да яхши қўшничилик алоқаларини янада ривожлантириш, дунё мамлакатлари билан фаол ҳамкорлик қилиш, Ватанимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини юксалтиришда бекиёс таянч бўлиб хизмат қилмоқда.

Президент қарорида “Ёшлар — Янги Ўзбекистон бунёдкорлари” шиори алоҳида урғу билан тилга олинган. Бу тасодиф эмас. Чўнки истиқлол даврида ўсган авлод бугун янги тараққиёт поғоналарига етаклаётган кўчага айланган. Ёшлар учун IT билимлари, чет тилларни ўргатиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, хорижий университетларда таълим олиш имкониятлари кенгайтирилмоқда. Президент ташаббуси билан дунёнинг “ТОП — 300” олийгоҳларида ўқийдиган талабаларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши бунга яққол мисолдир.

Қолаверса, мустақиллик туфайли соғлиқни сақлаш тизимини ҳам тўб ислохотлар амалга оширилди. Замонавий клиника ва марказлар ташкил этилди, тез тиббий ёрдам хизмати, онкология ва перинатал ёрдам тизимлари қайта ташкил қилинди. Ҳатто чекка худудлардаги аҳоли ҳам давлат тиббий хизматидан фойдаланиш имкониятига эга бўлмоқда.

Мустақиллик — бу фақат сиёсий мақом эмас, балки миллиятнинг эркин нафас олиши, ўз салоҳиятини юзага чиқариши, ҳар бир инсоннинг муносиб ҳаёт кеңириш ҳуқуқини қафолатлайдиган тарихий неъмат.

Президент қарорида белгиланган вазифалар ва йўналишлар — мустақиллигининг халқимиз ҳаётида қандай улкан аҳамиятга эга эканини яна бир бор тасдиқлайди. Энди олдинги каби эмас — энди ўз йўли, ўз позицияси, ўз моделига эга давлат сифатида янги Ўзбекистон истиқлол бафорогини юксак баландликларга кўтармоқда.

Мавлюда АДҲАМЖОНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.



Расмий статистика: Фойдаланувчилар учун қулай имкониятлар

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика кўмитасининг ташкил қилиниши расмий статистика соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, расмий статистикани ривожлантириш масалалари бўйича фаолиятни миллий статистика тизими доирасида мувофиқлаштириш жараёнида статистика органларининг мустақиллиги ва ваколатларини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

“Расмий статистика тўғрисида”ги Қонун ҳамда расмий статистиканинг асосий принципларига таянган ҳолда миллий статистика тизимининг халқаро ташкилотларга маълумотлар тақдим этиб бориши натижасида халқаро даражада қатор ютуқларга эришилди. Жумладан, Ўзбекистон очиқ маълумотлар бўйича халқаро “Open Data Inventory” рейтингида 2024 йил натижаларига кўра 198 та мамлакат орасида 12-ўринга кўтарилиб, Марказий Осиёда биринчи ўринни сақлаб келмоқда. Шунингдек, Жаҳон банкнинг 2024 йилда эълон қилинган “Статистика фаолияти самардорлиги индекси”да 2023 йил якунлари бўйича Ўзбекистон 217 мамлакат орасида 62-ўринни эгаллади.

Семинарда расмий статистика соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, соҳага оид қонун ҳужжатлари нормаларини ўзаро мувофиқлаштириш мақсадида расмий статистика соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси ишлаб чиқилгани қайд этилди. Мазкур ҳужжат Қонунчилик палатасининг шу йил 1 июль кунини бўлиб ўтган мажлисида биринчи ўқишда қабул қилинган эди.

Қонун лойиҳаси билан қатор қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилаётгани, белгиланаётган нормалар расмий статистика соҳасида маъмурий ислохотларни самарали амалга ошириш доирасида статистика органларининг фаолиятини такомиллаштириш ҳамда расмий статистикадан фойдаланувчилар учун янада қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилгани таъкидланди.

— Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши миллий статистика тизими фаолиятини тартибга солиш баробарида расмий статистиканинг очикилиги ва шаффофлигини таъминлаш борасидаги ислохотларнинг натижадорлигига эришиш, фойдаланувчиларнинг ишончини, сифатли ва долзарб расмий статистик маълумотларга бўлган эҳтиёжларини қондириш, мамлакатнинг халқаро миқёсдаги нуфузини янада оширишга хизмат қилади, — дейди депутат Наврўз Юсупов.

Тадбир давомида қонун лойиҳаси юзасидан саволлар берилди, муҳим тақлифлар илгари сурилди. Улар асосида лойиҳа матни пишиқ-пuxта ҳолатга келтирилиб, маромига етказиладиган бўлди.

«Халқ сўзи».

МАМЛАКАТ ЭРТАСИ УЧУН ПУХТА ЗАМИН

Мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоизини 30 ёшгача бўлган авлод ташкил қилади. Яъни 2025 йил бошидаги маълумотга кўра уларнинг сони 19 миллиондан ошди. Бу рақам оддий статистика эмас. Бу — улкан салоҳият, стратегик имконият ва миллият эртаси учун пухта замин демек. Шу сабаб ёшлар сиёсати давлатимизда энг муҳим, устувор йўналишга айланган.

Фикр

Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида ёш авлод вакилларининг фаоллигини ошириш, уларни давлат бошқаруви, сиёсий ва ижтимоий ҳаётга фаол жалб этиш масаласи доимий эътиборда. Шунинг билан бирга, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламдаги ёшлар учун яратилаётган имкониятлар ҳам таҳсинга лойиқ. Ана шундай ташаббуслардан бири илм-фан, спорт, санъат ва маданият йўналишларида ташкил этилган олти ойгача бўлган ўқув курсларидир. Бу дастур орқали юзлаб, минглаб ёшларга ўз орзулари сари яна бир қадам ташлаш имкони берилмоқда.

Мазкур дастур “Камбағал оилалар реестри”га киритилган 14 дан 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар учун мўлжалланган бўлиб, улар ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваригача даражада моддий қўллаб-қувватланади. Энг муҳими, бу ёрдам тўғридан-тўғри ўқув марказларига йўналтирилади ва ёшлар ўзлари танлаган йўналишда бепул таълим олиш имкониятига эга бўлади.

Рақамлар эса бунинг исботи: айни пайтда 8 мингдан ортиқ ёшлар ариза топширган бўлса, шулардан 6 минг 608 нафари тасдиқланган, 4 минг 598 нафари ёрдамдан фойдаланган. Бу кўрсаткичлар ҳар бир ёш учун очилган янги ҳаёт эшигини аналтади — кимдир актёрлик сирларини ўрганмоқда, кимдир спорт билан шуғуullanмоқда, яна кимдир музика ёки дизайн соҳасида ўзини топмоқда. “Сафарбарлик чакруви резервизация хизматни ўташ бадал”и учун юборилган жами аризалар 14 216 та бўлиб, унинг 11 949 таси тасдиқланган, 8 555 тасига ёрдам кўрсатилган. Бундай кўрсаткичлар қўзни қувонтиради, албатта.

Бугунги ёшлар — эртанги раҳбарлар, сиёсатчилар, олимлар, муҳандислар, ёзувчилар ва фидойи инсонлар. Уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни, қарашлари ва гоёлари, бу — ёшларга билдирилган ишонч натижаси, давлатимиз сиёсатининг меvasи.

Айнан мана шу ишонч Ўзбекистоннинг эртанги тараққиётини белгилаб беради. Ҳар бир ёшни эшитиш, унга ишонч билдириш, етакчи сифатида шакллантириш жамият олдида энг катта масъулиятдир. Чўнки қучли ёшлар — қучли жамиятни барпо этади. Қучли жамият эса барқарор, тараққиётга интилган, фаровон давлатнинг пойдеворидир.

Нодирбек МУРОДОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти раиси ўринбосари.

Санъат ва маданият дунё халқларини эзгулик йўлида бирлаштиради

Шунингдек, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида таълим олишга талабгорларнинг йил сайин кўпайиб бораётганини ҳисобига олиб, Фарғона вилоятида унинг минтақавий филиали ташкил этилди.

Барчамизга аёнки, рақс санъати ўзбек маданиятининг ажралмас қисми саналади. Давлатимиз раҳбарининг “Рақс санъати соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби негизида Ўзбекистон давлат хореография академияси ташкил этилди.

Рақс санъатининг тўртта худудий мактабини назарда тутган ҳолда, Бухоро, Қарши, Нукус ва Урганч шаҳарларида академия ҳузурида ихтисослаштирилган бошланғич рақс санъати мактаб-интернатлари очилди. Таълимнинг ушбу бўғини Ўзбекистон рақс санъати соҳасида маданий меросга оид йўналишларни сақлаб қолиш ҳамда бу борада етуқ малакали кадрларни тайёрлашга хизмат қилади.

Сўнгги йилларда ўзбек музика маданияти тизимида миллий меросни қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларни янада жалдлаштиришга оид яна иккита олий таълим муассасасига асос солинди. Булар Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий музика санъати институти ва Ботир Зокиров номидаги Миллий эстрада санъати институтидир. Иккала олий таълим муассасаси фаолияти иккита муҳим йўналиш — мақом ва эстрада ижрочилиги санъатини ривожлантиришга қаратилган.

Алоҳида таъкидлаш жоиз, бугунги кунга қадар бахшичилик санъати озгачи анъанадаги маданий мерос бўлиб, давлат таълим муассасаларида ўқитилмаган. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан бахшичилик санъати ўзбек халқининг миллий музикаий номоддий мероси ўлароқ тарихимизни тиклаш ва англаш борасида муҳим омил сифатида қайд этилди.

Жаҳон музика маданиятида эстрада санъати ҳам мутлақо янги босқичга чиқди. Музикаий ифодавийлик, янги бадий образлар, ранг-баранг ижрочилик услублари, сахна безаш маданияти каби томоша санъатининг янги замонавий талаблари бугунги кунда ўзбек эс-

трада музикасига ҳам ўз таъсири-рини ўтказмоқда. Демак, бу борада тизимли иқодий изланиш, ифодавийликка эришишнинг янги усулларини топиш, эстрада музикасининг мавжуд муаммоларига оид кенг қамровли янги таҳлилий тадқиқотларни ўтказиш зарурати аён бўлмоқда. Шу боис ҳам эстрада санъатида ихтисослаштирилган таълим йўналишининг мустақил ўқув муассасаси сифатида фаолият юритиши бугунги кунда малакали қадр етиштириш чиқаришининг самарали усули бўлиб хизмат қилади.

Таълим тизимининг санъат ва маданият йўналишида олиб борилаётган бугунги ислохотлар ўзининг ижобий натижасини узоқ куттирмади. Бу соҳада таҳсил олаётган ёшларимиз йил сайин жаҳоннинг нуфузли халқаро сахналаридида ўз ижролари билан юксак даражали мукофотларга сазовор бўлмоқда. Жаҳон сахналарида ўзбек музикасининг шухратини танитган хорижий мутахассислар ушбу йўналишдаги ўқув тизими билан қизиқиб юртимизга таширф буюрмоқда. Жумладан, 2022 йилда Тошкент шаҳрида ШХТга аъзо давлатлардаги консерватория ректорларининг I халқаро форуми

бўлиб ўтди. Ва унда Тошкент декларацияси имзоланди. Ушбу ҳужжатга кўра таълим тизимидаги аъналар асосида алоқалар ўрна-тилди. Ҳозирда Тошкент декларацияси ҳамкор давлатларда ўқитиш тизимининг янги босқичга чиқишига катта замин яратмоқда.

Мақтабгача таълим ҳамда умумтаълим мактабларида ҳам музика дарслари умумий маданий онг ва дунёқарашни оширишга қаратилган фан сифатида ўқитилмоқда. Бу борада болалар учун янги ўқув музикаий репертуари, дарслик ва қўлланмалар яратилган бўлиб, ўқув амалиётига сингдирилган. Айниқса, умумтаълим мактабларида ҳар бир ўқувчи бирон-бир музикаий чолғунини ўрганиши кераклиги борасидаги давлатимиз раҳбарининг

Айниқса, дунёда юз бераётган ҳозирги таҳликали даврда Ўзбекистон тинчлик, дўстлик ва ҳамжихатлик муҳитини кучайтириш, инсон қадри, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, минтақамизда яхши қўшничилик алоқаларини янада ривожлантириш, дунё мамлакатлари билан фаол ҳамкорлик йўлидан бораётгани ҳам танлаган йўлимиз собитлигинидалолат беради. Бу эзгу мақсад ва сайҳ-ҳаракатларимиз эса Ватанимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини юксалтиришда таянч бўлиб хизмат қилади.

Ойдин АБДУЛЛАЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари кўмитаси раиси ўринбосари.

Хоразм вилоятида Ўзбекистон — Хитой технопарки ташкил этилади.

ТАБАРРУК ТАШРИФЛАРНИНГ ТОТЛИ МЕВАЛАРИ



Абдусайд КЎЧИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати аъзosi,
Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган ёшлар мураббийи

1

...Исроил — Эрон зиддиятлари кескинлашди. Америка учоқлари Эронга бомба ёғдирди. Фаластин — Исроил ўртасидаги муносабатлар таранглашди. Ҳазо секторида очлик, гайрининсоний азоблар. Россия — Украина уруши аянам ваҳимали тусга кирди.

Уруш, хавотир, ташвиш, безовта-беоромлик она сайёрамизнинг кечангига гуркураб турган боғларини ўргимчак тўридек ўраб бораётган кунларда Ўзбекистон Президентини Тошкент вилоятига борди. Ёзги куёш зиёларига кўмилиб меҳнат қилаётган деҳқонлар, боғбонлар, қурувчилар, йўлсозлар, зиёлилар билан учрашди, гурунглашди. Корхоналарга, хонадонларга кирди, одамларнинг орзу-ўйлари, қувонч-ташвишлари, режалари билан танишди, фикрлашди.

Жанжаллар, гарчанд, сарҳадларимиздан олисларда бўлаётган эса-да, улар ёш қари — ҳаммамизга илпидан-иғнасиганга маълум. Шарқнинг доно оқини Абдулла Орипов таърифлаган «Кува анори»дек дунёда бўлаётган бўронларни интернет тармоқлари кўзгудай лаҳзама-лаҳза кўрсатиб турганда бирон нарсани яшириш қийин. Она замин қалбидagi жароҳатлар аллақачон ҳаммамизнинг «ёрилмаган яра»мига айланиб бўлди. Осмонўпар иморатлар ер билан битта бўлди, боғлар қўйди, қишлоқлар ёнди. Ичи музлаб, умиди сўниб, қўли ишга бормай қўчаларда сарсон-саргардон бир қанча мамлакатларнинг беғуноҳ фуқаролари. Дунёвий қонун-қоидалар тугул БМТ ҳужжатларининг бир «чақага олмай қўйган эвровонлар эса ҳали-хануз кибру хаволардан қутулган эмас. Улар ёвузлик гирдобига борган сайин чуқурроқ ботиб бораётган даamlарда Ўзбекистон Президентини Тошкент вилоятида бўлди.

Мамлакатнинг йирик кўргонларидан бўлган Тошкент вилоятининг барча шахару қишлоқларини обод ва кўркам қилиш орзу-ўйлари иқтидорга келгандан буён бир нафас ҳам тинч қўймаётган давлат раҳбарининг бу балги режалари жуда бошқача...

«Бу диёрнинг энг асосий бойлиги — аслида, унинг меҳнаткаш, бағрикенг, кўп миллатли халқидир», дея таърифлаган Президентимиз Тошкент вилояти аҳли хузурига бораётиб, пойтахт биқинида тубдан қайта қурилаётган «Тошкент — Шарқий» аэропортини кўздан кечирди. Аэропортининг тўрт километр узунликдаги учиш-қўниш йўлагини, энг йирик самолётларни ҳам бемалол қабул қила оладиган иккита терминалини, перрон ва ангарларини барпо қилаётган қурувчиларнинг ишлари билан танишди.

Бу манзилни янгидан яратиш ҳам давлат раҳбарининг узок йиллик орузларидан бири эди. Шундан эди қурувчиларнинг «Янги аэропортининг бош архитектори Президентимиз — Шавкат Мирзиёевнинг ўзлари бўлади!» дея ифтихор билан меҳнат қилишларининг боиси. Дарҳақиқат, аэропорт лойиҳаси, унинг мураккаб нукталарига бўлган чизмаларнинг ҳаммаси шахсан Президент ташаббуси билан яратилган. Аэропортининг Ўзбекистон иқтисодиётига, йўловчиларга келтириладиган бeҳисoб фойда ва қулайликларини ю вилоятда туризм дарвозаларини катта очиб юбориши ҳам беш қўлдай аён эди Президентга. Амалга оширилаётган ишларни ҳар қадамида синчиқлаб кўздан кечирган давлат раҳбари тегишли маслаҳат ва кўрсатмалар берди, қурувчиларга ташаққулар айтди. Меҳриб сўзларини Юртбошининг лафзидан эшитиш кишига қанчалар қувонч, куч ва илҳом бағишлаганини ўзингиз тасаввур қилаверинг.

2

Яна тасаввур қилингки, сиз курама тоғлар орасида қумуш қамардек ялтираб ётган ўнлаб дарё-ю сойларнинг энг шўхи ва гўзали бўлган Паркентoй соҳилида турибсиз.

Тошлардан тошларга урилиб, қирғоқларга майин эпкинлар сарчатганча пастликларга энаётган, бир замонлар Мирзо Бобур от ўйнаётган, не-не жангу жаддалар гувоҳи бўлган Паркентoй соҳилларида ҳаёт қайнайди. Осмонга қўл чўзган қранлар, қурилиш анжомлари ташибётган машиналар овози бинокорларнинг хай-хайларига қўшилиб жозибадор, жанговар қўйга айланиб кетганки, қараб кўзингиз тўймайди. 5 минг 200 хонадонга мўлжалланган 125 та кўп қаватли уй, 2 та мактаб, 8 та боғча, 10 гектарлик парк, сунъий қўл, саййолгоҳ ва велоўйлақлар барпо қилиниши керак олти гектарлик мазкур манзилда. 17 километрдан иборат ички йўллар эса қафдағи текисланди. Бундан ҳам зўри, 24 километр узунликдаги «Байтўғрон — Паркент» электрлаштирилган темир йўли қурилади...

Аслида хамир учидан пaтир ҳали булар. Бир китобга сиймайди уларнинг барисин санасак агар. Шул боис айимларини тилга оламиз: Қумушқонда 100 гектар ерда туризм объекtlари қурилади. Олтин бел чўққисида ташкил этиладиган тоғ-чанги курорт зонасида янги кўприк, 7 та дoр йўли, 3 та тоғ-чанги йўли, 4 та меҳмонхона, 40 та вилла, 4 қаватли автотурагоҳ, вертолёт майдончаси, ресторан, болалар майдончаси барпо этилади. Австрия компанияси эса 1200 гектар майдонда тоғ-чанги курорти яратди. Лойиҳалар тўла амалга ошгандан кейин кунига 15 минг сайёҳни қабул қилиш имконияти пайдо бўлади Паркентада. Сўқоқ томонларда ҳам айни йўналишда етти гектарлик сайёҳлик маркази ташкил қилиниб, унда 100 кишилик чойхона, 350 хонали 2 та 11 қаватли меҳмонхона, шале типидagi уйлар,

соғломлаштириш маркази, автотурагоҳ, супалар, олма кўприқлар, кемпинглар, кузатув майдонлари каби 17 турдаги объектлар барпо қилинади.

Янгидан ташкил этиладиган 54 гектарлик боғда гилос, олма, нок, малинанинг экспортбоп навлари етиштирилади. Франция ва Испания томонлардан ўзини ўзи чанглатиш хусусиятига эга дарактлар келтирилади. «Ақли» агрегатлар нами қочган ерларни автоматик равишда сугоради. Бу йил 500 тонна олма, 400 тонна нок, 256 тонна гилос, 30 тонна малина етиштириш кўзда тутилган бўлса, келажакда уларнинг микдори икки-уч баробар ошади. Қисқаси, туманда қиймати 1 миллиард долларлик 52 та лойиҳа амалга оширилади. Натижада 3300 та иш ўрни, 1 миллион сайёҳга хизмат кўрсатиш имкони яратилади.

3300 иш ўрни. Бу — 3300 хонадон ободлиги, агар ҳар хонадонда учтадан жон бўлса — 9900, 5 тадан бўлса — 16500 инсоннинг хотиржамлиги, тўқлиги, эртасига, индинига ишончининг барқарорлиги деганидир! Серфарзанд паркентликлар учун мазкур рақам қанчалар аҳамиятли эканини тасаввур қилиш қийин эмас. Бир миллион сайёҳга хизмат кўрсатиш эса бир миллион рўзгорнинг тўқислиги, дастурхонининг тўқинлигини таъминлайди.

Жалолитдин Румий ҳазратлари ноёб саховат эгаларига шундай таъриф берган: «Энг буюк Ҳаж бир кўнглига йўл топиб қиршидир. Бир кўнгли юзларча Каъбадан гўзалдир. Каъба ҳазрати Ибромимнинг биноси бўлса, кўнгли Аллоҳнинг назаргоҳидир».

3

Мана энди Президент Шавкат Мирзиёевнинг Тошкент вилоятига қилган битта таърифи неча минглаб кўнглиларга севинч, бахт, умид, ишонч, гўзаллик, нур бағишлаганини чамалаб кўринг. Сўнгра унинг ёнига яна ўн таърифини қўшинг. Ўн таъриф — ўн тўғлиш, ўн уйғошни, ўн эврилиш. Хар таърифдан сўнг ҳеч нима йўқ жойларда азамат корхоналар қад кўтараётгани, чакиртикан, акриқ босган ерлар гулларга кўмилиб бораётгани, юз-юзлаб оилалар уй-жойли бўлаётгани-ю қаерга бош уришини билмай юрган минглаб ёшларнинг иш билан таъминланганини ҳисоблаб кўрсангиз, Президент таърифларининг мазмун-моҳиятини янада тeранoқ ҳис қиласиз.

«Хис қилиш» ёқимли, албатта. Аммо бундай ютуқларга қандай эришилди? Ер ўша, сув ўша, об-ҳаво, одамлар — ҳаммаси ўша-ўша-ку! Нега шунча йиллар мобайнида фойдаланилмади бундай имкониятлардан? Ёки ҳазрати Хизр бобомиз қутилмаганда ҳазина топиб, «Олинг, бўталарим», дея совға қилдиларми вилоят аҳлига? Бундай саволларнинг ҳамма жавоби яна Президентга, давлат раҳбарининг вилоят бўйлаб амалга оширган табарруқ таърифларига, халқ хузурига йўл олишдан аввал уларни қийнаётган муаммоларни ҳал қилиш учун қанча тунларни бедор ўтказгани, китоблар varaқлагани, ўйга толгани, дунё тажрибаларини таҳлил қилгани-ю жонини қийнаб изланганларига уланиб кетди.

Излаган имкон топади, илож топади, йўл топади, дeгaнлари шу бўлса керак-да.

Фақат Тошкент шаҳри ёки вилояти эмас, умуман, Президентнинг ҳеч қачон, ҳеч қаерга шунчаки «томоша» учун бормаслиги, қай худудга йўл олмасин, ҳаммиса ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган ташаббус шодалари билан бориши, давлат раҳбарининг қадами етган манзиллар эса ободлик наволарига кўмилиши ажиб аънамага айланиб кетди юртимизда.

Йўқни бор қилиш, мудроқ нигоҳларни уйғотиш, сокин сойларга дарёлар шиддатини олиб кириш учун қандай роҳатбахш аазобларни бошдан кечиргани эса Президентимизнинг ўзи-ю ёлғиз Яратганга аён. Ишончини қомилки, бу сўзларда заррча муболага йўлғиги исботга муҳтож эмас. Қолаверса, давлатимиз раҳбарининг дунё тақдирига доир мураккаб масалаларга ҳам шарқона ақл билан оқилона ёндашаётгани, муаммолар тугунини ечиш йўлидаги ноёб қобилияти жаҳоннинг таниқли давлат ва жамоат арбоблари, йирик сийбасчилари таҳсинига сазовор бўлаётгани ҳам аён ҳақиқат.



Эсланг, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг саёй-ҳаракатлари билан Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги қанчадан-қанча уйдим-чүкүр йўллар текисланди, Европа давлатларининг ишончи қайта тугилди бу заминга, дунё банкларига, ишбилармонларига дарвозалар қолди, ҳеч ким тан олмай, яққалииб қолаётган Афғонистонга муносабат тубдан ўзгармоқда. Зотан, шундай ватанпарвар, тинчликсевар, бир сўзли фазилатлар исботлайди улуғ шахсларнинг тарихдаги ўрнини.

Яҳши биламиз: Ўзбекистон Президентини учун айтилган сўз — отилган ўқ. Ваъда — вафоси билан азиз. Юзлаб мисоллар келтириш мумкин биргина Тошкент вилоятининг ўзидан.

Масалан, Шавкат Миромонович 2017 йилда Тўйтепа шаҳарчасини вилоят марказига айлантириш ҳақида сўзлади. Сал ўтмай, Тўйтепа қайта номланиб, Нурафшон шаҳри сифатида Тошкент вилоятининг маъмурий марказига айланди. Таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди 7-8 йил орасида Нурафшон. Бир маҳаллар Нукент, кейинчалик Тўйтепа номидаги бу манзил катталиги бўйича Бискент, Қанга, Банокат, Тошкент сингари шаҳарлар қаторида турган бўлса-да, умрида бугунгидек ободликларни кўрмаган. Шаҳардаги 22 та маҳалланинг ҳамма кўча ва уйлари бошқатдан қурилди. «Ақли шаҳар» концепцияси асосида Сингапурнинг «DIPART» компанияси ҳамкорлигида қиймати 2,5 миллиард долларлик ишлар бошланиб кетди. Чиғирқи ва «ПШК» кўргонлари шаҳар худудига ўтказилди. 246 гектар майдонда 20 минг аҳоли яшайдиган шахар қад ростлай бошлади. Иккинчи босқичда аҳоли сони

63 мингга, шу йил адоғида эса 77 мингга етади.

Тасдиқланган бош режага мувофиқ 246 гектар майдондан иборат шаҳар қурилиши уч босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда 114 гектар ерда 20 минг аҳоли истиқомат қиладиган 72 та бино ва иншоот бунёд этилади. Иккинчи босқичда майдон 95 гектарга кенгайиб, 53 минг аҳоли учун 80 та бино ва иншоот қурилади. Учинчи босқичда қурилиш яна 37 гектарга кенгайиб, 77 минг аҳоли яшайдиган 48 та бино қурилади.

Ҳозиргача 168 ўринга мўлжалланган 2 қаватли «Президент мактаби», замонавий меъморчиликнинг сўнгги ютуқларини ўзида мужассам этган кўп қаватли уйлар, замонавий бинолар фойдаланишга топширилди. Янги мактаблар, институт ва университет, хиёбонлар, тижорат банклари, бизнес марказлари, театрлар, кутубхоналар, Ёшлар маркази, амфитеатр, ўйингоҳлар, ишлаб чиқариш корхоналари барпо этиш давом этмоқда. Ватанпарвар боғи, Медиа ходимлари ва иходкорлар боғи, Зулфия Зокировага бағишланган «Матонат мадҳияси» мемориал мажмуаси, гипермаркет, соғломлаштириш йўлақлари қурилди. Келгусида Тошкентдан Нурафшонга ҳамда бошқа йўналишларга қатновчи тезюрар электробуслар қатнови йўлга қўйилади. Тошкент билан Нурафшон ўртасида ер усти метро қатнови ҳам бу ернинг ўзига хос салоҳияти ифодасига айланади. Президентимизнинг «Европанинг санокли давлатларида бор бўлган энг замонавий шаҳарни биз Тошкент вилоятидан бошлаб берайлик», деган эзгу ниятларининг ифодасига айланади буларнинг ҳамма-ҳаммаси.

Ҳа, Нурафшон ҳадемай «ақли шаҳар» сифатида мамлакатимиз фаҳрига айланади.

Яқинда, аниқроғи, Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари байрами арафасида «Матонат мадҳияси» мемориал мажмуаси зиёратига бўлган журналистлар вилоят ҳокими Зойир Мирзаевнинг сўзларини эшитиб, фaҳру ифтихoрга тўлдилар.

— 2025 йилда 612 минг аҳолини иш билан таъминлашимиз, 25,3 минг оиладаги 115,7 минг кишини қамбағалликдан чиқаришимиз керак, — деди ҳоким. — Режани амалга ошириш учун вилоят ҳокимлиги, республика Халқ банки ва



Марказий банкнинг вилоят бош бошқармаси ўртасида ҳамкорлик шартномаси имзоланган. Банклар томонидан Сайхунобод тажрибаси асосида ҳар бир маҳаллада 40 тадан жами 41 мингта микролойиҳа амалга оширилади, 82 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилади. Хар бир маҳалладан камида 10 тадан жами 10250 та хонадоннинг ўртача йиллик даромади 60 — 70 миллион сўмгача етказилади. «Бир кунтур — бир махсулот» асосида жами 649,2 гектар — 1 та намунали лойиҳа амалга оширилади.

Уйчи тажрибаси асосида 150 мингта доимий иш ўрни яратилади. Бунинг учун 10,8 триллион сўм имтиёзли кредит ажратилади.

Бундан ташқари, 2025 йилда 2,4 миллиард долларлик экспорт амалга оширилиши ва ўтган йилдагига нисбатан 166 фоиз ўсиш таъминланиши керак. Жумладан, саноат махсулотлари экспорти 2,2 миллиард долларга, мева-сабзавот экспорти 220 миллион долларга етиши зарур.

Ҳокимнинг сўзларидан аён бўлдики, экспорт ҳажминини ошириш вилоятда ривожланиш драйверига айланган. Унга кўра экспорт ҳажми тўқима-чиликда 480 миллион долларга, электротехника саноатида 332 миллион, қурилиш материалларида 200,6 миллион, озик-овқат саноатида 175,7 миллион долларга қўлади.

Туризм соҳасида 2025-2026 йилларда умумий қиймати 3 миллиард 285 миллион АҚШ долларига тенг 265 та инвестиция лойиҳаси ишга туширилади ва 14 минг 487 та янги иш ўрни яратилади.

Биргина «Чорвоқ дарвозаси» лойиҳаси бўйича Ангрeн дарёси, Паркентсой ва Чинознинг Сирдарёга туташ соҳилларида бир қанча кўп қаватли уйлар, меҳмонхоналар, дам олиш ва кўнгилоҳар масканлар, хизмат кўрсатиш ва савдо шохобчалари ишга туширилади.

Бекобод туманининг янги ҳокими З. Низомидиновдан Сирдарё устида янги кўприк қурилаётгани, яқин келажакда эса Ховос шаҳарчасидан Бекобод, Бўжа, Пискент, Паркент бўйлаб қуриладиган темир йўл ҳақида эшитганимизда, мамлакат раҳбарининг таърифлари нақадар серҳосил эканини яна бир қарра англадик.

4

Ҳа, ютуқларнинг ҳаммаси Президент таърифларининг ширин мевалари. Уларнинг қаторига 2018 йилги таърифдан кейин «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик жамиятига қарашли йирик инвестиция лойиҳаларидан бири — ферроқутишмалар ишлаб чиқариш цехининг ишга туширилгани, 2021 йилда ОКМК таркибидagi «Ёшлик — 1» кони неғизида 3-мис бойитиш фабрикаси қурилиши ва Юқорчи Қирчик туманида «Аstrum» IT академияси ўз фаолиятини бошлаб юборгани, 2022 йилда Зангиота туманида «Менин биринчи уйим» янги ипотека дастурини Тошкент вилоятидан бошлаш ташаббуси жорий қилингани, «Чирчик» кимё-индустриал технопарки очилгани, 2023 йили Охангарон туманидаги «Ташкент Конч цемент», Қўйи Чирчик туманидаги «Ташкент каттон текстиль», Юқори Чирчик туманидаги «Азия Ташкент текстиль», «Салюбрис Витa», Ангрeн шаҳридаги «Ангрeн каолин», «Централ Азия Кемикaлс», Нурафшон шаҳридаги «Агро Нью Дрим», Чирчик шаҳридаги «Шарқ Тўбс», Паркент туманидаги «Самсарак фaйз» ва «Шабанм Элегант» каби йирик корхоналарнинг ишга туширилгани ҳамда бу корхоналарда цемент, қалава ил, тўқимачилик, фармацевтика, бейитилган каолин, кимё махсулотлари, томчилатиб сугоритиш шланглари,



рангли металллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани; 2024 йилда ОКМК таркибидagi «Ёшлик — 1» кони неғизида 4-мис бойитиш фабрикасига стaрт берилгани, Тошкент — Хўжакент йўналишида янги электропоезд қатнови бошлангани, вилоят корхоналари томонидан шу йилнинг ўзида 7 507,6 миллиард сўмлик саноат махсулотлари ишлаб чиқарилгани ва бу 2017 йилдагига нисбатан 7 баробар қўлғиги, 100 дан ортиқ давлатлар билан инвестиция ва экспорт соҳаларида ҳамкорлик йўлга қўйилгани, инвестиция дастурулари доирасида 71 та давлат билан умумий қиймати 11,5 миллиард долларга тенг 200 дан зиёид инвестиция лойиҳалари портфели шакллантирилгани, биргина Хитой Халқ Республикаси билан ҳамкорликда 4 миллиард доллардан ортиқ 25 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилаётгани қабилар қўшилса, манзаранинг салобати янада тиниқлашади.

5

— Президентимиз ҳаммиса «кўзга кўринмас» имкониятлар илдинини топиб, улардан фойдаланиш чора-тадбирларини кўрсатиб берадилар, — сўзида давом этади вилоят ҳокими. — Бир кел-



ганларида хитойлик тадбиркор, «Galanz» компанияси асосчиси Лян Чжаосян ҳақида сўзладилар. Дунёдаги энг йирик маиший техника ишлаб чиқарувчи заводлардан ҳисобланган махзур компания ташкил топган 1992 йилда Хитой бўйича ҳаммаси бўлиб атиги 200 мингта микротўқинли печь чиқарилган экан. Орандан икки йил ўтгач, компания деярли 5 минг дўкoндан иборат миллий савдо тармоғи барпо қилад, ун йилдан кейин кунига юз минг микро-тўқинли печь ишлаб чиқара бошлайди. 2013 йилда 4,5 миллиард доллардан ортиқ даромад олиб, қирқ минг кишини иш билан таъминлайди. Лян Чжаосян 1,01 миллиард доллар бойлик билан «Forbes»да дунёнинг энг бой одамлари рўйхатида қиради. Бу ҳикоя вилоятимиздаги жуда кўп тадбиркорларга илҳом бағишлайди.

2017 — 2024 йилларда тадбиркорлар томонидан амалга оширилган ишлар вилоят ҳокимининг сўзлари нақадар тўғрилигини тасдиқлайди. Яна мисолларга мурожаат қиламиз. 2019 йили Бўстонлик туманида «Амирсой» тоғчанги курорти расман иш бошлади. 2020 йилдан вилоятнинг 6 та худудини «Олтин ҳалқа» туризм концепцияси асосида ривожлантиришга киришилди. 2021 йили Паркент туманининг сўлим гўшаларидан бири Қумушқон маҳалласи республикада биринчи «Туризм қишлоғи», «Туризм маҳалласи» мақомини олди. 2021 йилдан буён Тошкент вилояти «Халқаро жееп спринт» мусобақасига мезбонлик қилмоқда.

Вилоятда ўтган 5 йилда 267 та туризм объекти барпо этилиб, соҳага 5,5 триллион сўм ва 156,1 миллион доллар хорижий инвестиция жалб қилинди.

2024 йили 282 миллион доллар миқдоридagi 56 та лойиҳа амалга оширилиши натижасида 1042 та янги иш ўрни яратилди. Вилоятга 16 миллион 337 минг нафар турист келди. Уларнинг 984,2 минг нафари хорижий туристлардир. Туризм хизматлари экспорти 390 миллион АҚШ долларига етди.

Ҳозир 74 та оилавий меҳмон уйи ҳамда маҳаллий ва хорижий туристларга хизмат кўрсатувчи 46 та туристик фирма фаолияти йўлга қўйилган. Охангароннинг Эртoшoй ва Овжазoй қишлоқларига, Паркентнинг Чашма, Қумушқон қишлоқларига «Туризм қишлоғи» мақоми берилган.

Чирчик давлат педагогика университетининг туризм факультети ва Бўстонлик туризм ва сервис коллежида 542 нафар талаба таҳсил олмақда. 2024 йилда таълим муассасаларини таъмонлаган ёшларнинг 152 нафари ўз йўналиши бўйича ишга жойлаштирилди.

Вилоятда туризм диверсификацияси, яъни худудларда туризмнинг аниқ бир йўналишлари бўйича ихтисослашув дастури қабул қилинган. Унга кўра, Зангиота ва Тошкент туманларида тиббиёт туризми, Охангарон, Пискент, Чиноз ва Ўрта Чирчик туманларида ов туризми, Бўстонлик, Паркент туманлари ва Ангрeн шаҳрида тоғ экстремал туризми, Зангиота, Бўстонлик, Паркент, Охангарон, Оққўрғон, Юқори Чирчик туманлари ва Ангрeн, Нурафшон шаҳарларида зиёрат туризми, Бўстонлик, Паркент, Чиноз, Бўжа, Янгийўл, Қирбай туманлари ва Янгийўл шаҳрида гастрoномик туризм, Бўстонлик, Паркент, Охангарон туманлари ва Ангрeн шаҳрида эko ва агротуризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Сув ҳавзалари бўйлабларини туризм мақсадида унумли фойдаланиш йўналишида «Тўябўғиз»

сув ҳавзасидаги «ТашВeгac» оромгоҳида замонавий бассейн ва пляж фойдаланишга топширилди. Нурафшон шаҳрида сунъий қўл ҳавзаси ташкил этилиб, доимий равишда таъриф буюрувчиларга концерт дастурлари ва кўнгилоҳар хизматлар кўрсатилмоқда. Бўстонлик туманининг «Хевенс Гарден» дам олиш масканида Сингапурнинг «Марина-Бей» сув ҳавзаси андaзаси асосида замонавий бассейн бунёд этилди. Кичик ҳажмдаги сув ҳавзалари сони 184 тадан ошиб кетди.

6

Тошкент вилоятини мамлакатимизнинг энг йирик худудларидан, дедик. Дарҳақиқат, бир томони Қозғистон, бир томони Қирғизистон ва Тожикистон Республикалари, яна бир томони Наманган ва Сирдарё вилоятларига туташиб кетган бу заминнинг 15 та тумани ва 7 та шаҳрида 80 миллатга мансуб 3 миллион 100 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилмоқда.

Курама, Пискон, Угом, Чотқол каби тоғлар атрофида кўр тўқиб турган заминнинг Чирчик-Охангарон водийси, Курама тоғи, Ангрeн ва Олмалик атрофлари мис, полиметалл рудаларига, олтин, қумуш, кўрғoшин, алюминий каби фойдали қазилмаларга, кўнгр кўмир, молибден конлари, плавик шпати ва дала шпати ҳамда турли хил қурилиш материалларига тўла.

Вилоятда энергетика, машинасозлик, металлургия, кўмир, кон металлургияси, кимё саноати, пойабзал, пахта тозалаш, озиқ-овқат, тўқимачилик ҳамда қишлоқ хўжалиги махсулотларини қайта ишлаш тармоқлари гуркураб ривожланмоқда. Бекобод шаҳридаги «O'zmetkombinat», Олмалиқ шаҳридаги ОКМК, Ангрeн кўмир конлари, Чирчик қишлоқ хўжалиги машинасозлиги кластери қабиларнинг шуҳрати мамлакатимиз ташқарисида ҳам маълум ва машҳур.

Вилоят ҳақида сўз борганда, Сўқoқнинг шашлиғи, Паркентнинг мадор сосмеси, Бўканең чойхона палови, Пискент мантиси, Чинознинг қовуриб, қарсиллатиб пиширилган қарас балиғи ёҳуд Бўстонликнинг «Бочка» маставаси, Қирбай ҳалими, Юқори ва Ўрта Чирчик туманларидаги корейс кукисси каби ноёб таомларни эсга олмадик мумкин эмас. Вилоятдаги ҳар бир миллатнинг ўзига хос бадий жамоалари мавжуд. Масалан, Ангрeнда «Чотқол наволари» халқ фольклор этнографик жамоаси, «Шoш Илоқ маржонлари» фольклор жамоаси ва «Аънаъна» болалар фольклор тўғарақлари бор. Уларда миллий қадрият, урф-одат ва аъназалар таранум этилса, Охангарон шаҳридаги «Курама» фольклор-этнографик халқ ансамбли ва Чирчик шаҳридаги «Сугдиён» тожик миллий маданият марказида турли миллатларга мансуб аҳолининг дилбар куй-қўшиқлари қуйланади.

7

Аммо, таъкидлаш керакки, қадимдан Буюк Ипак йўлидаги илм-фан, ҳунармандчилик, маданият таракқий этган маконлардан бўлган Тошкент вилоятининг тарихи ҳали-хануз муқаммал ўрганилган эмас. Хўжакент яқинидаги гoрдан топилган тош давлатга мансуб одам суягинини қолдиқлари ва қоялардаги суратлар бу воҳада қадимда ибтидоий одамлар яшаганидан далолат берса, Юнон, Хитой ва Шарқ манбаларида милоддан аввалги V — II асрларда ҳам бу заминда одамлар истиқомат қилгани айтилади. Қўлбулоқ яқинидаги Қизилполмасо ва Қўшойдан топилган қадимий тош қуроқлар ясалган устакхона э

ЎЗАРО ИШОНЧГА АСОСЛАНГАН МУҲИМ ТАШАББУСЛАР

Ўзбекистоннинг халқаро саҳнадаги мавқеини янада мустаҳкамлайди

1

Ҳамкорликнинг янги босқичи

Давлатимиз раҳбари ИХТ 17-саммитидаги нутқида алоҳида таъкидлаганидек, ҳар қандай тинчлик ва тараққиётнинг асоси, энг аввало, иқтисодий ҳамкорлик билан белгиланади. Шу боис ташкилот доирасидаги шериклик бугунги кунда нафақат табиий, балки муҳим стратегик аҳамиятга эга эканини эътироф этгани ҳолда, кўп қиррали шериклики янада ривожлантириш юзасидан муҳим тақдир ва ташаббусларни илгари сурди.

Биринчидан, ИХТнинг ўрта ва узоқ даврдаги устувор ривожланиши йўналишларини белгилаб олиш учун “Иқтисодий ҳамкорликнинг стратегик мақсадлари — 2035” концепциясини қабул қилишга қақирди. Ҳужжатда савдо, инвестиция, транспорт, энергетика, sanoat, қишлоқ хўжалиги, экология, туризм ва таълим каби аниқлаб йўналишлар билан бирга, инновациялар, сунъий интеллект ва рақамли технологиялар соҳаларида ҳамкорликни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратиш кераклиги таъкидланди. Чунки тараққиётнинг ҳозирги босқичида ушбу соҳаларни ривожлантиришдан туриб, маррага эришиб бўлмайди.

Иккинчидан, ташкилот доирасида товар ва хизматлар савдосини соддалаштириш, техник ва нота-риф тўсиқларни босқичма-босқич бартараф этиш, электрон савдонини ривожлантириш масалалари, айниқса, долларб. Статистик рақамлар далолат беришича, ҳозирги кунда ўзаро савдо ҳажми паст даражада. Бу кўрсаткич 2024 йилда 95 млрд. долларга тенг бўлиб, мамлакатларимиз умумий савдо айланмасининг 10 фоизини ташкил этди, холос. Мазкур йўналишда стратегик масалаларни муҳокама қилиш, Савдонини соддалаштириш тўғрисидаги битимни қўллаш мақсадида жорий йил Тошкентда савдо вазирларининг учрашувини ўтказиш тақдирини илгари сурди. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдоси бўйича тезкор маълумот алмашиш ва тўсиқсиз етказишга қаратилган “яшил йўлақлар” тизимини яратиш ҳам ўта муҳим масала саналади.

Учинчидан, сармоявий ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш, инвестиция муҳитини янада шай-шоф ва жўшадор этиш мақсадида узоқ муддатли “Экоинвест” дастурини қабул қилиш тақдирини берилди. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, айнан шундай дастурлар орқали минтақамиздаги истиқболли лойиҳаларга ҳусусий инвесторлар, банклар ва халқаро молия инсти-



тутларини кенг шай этиш мумкин. Тўртинчидан, сўнгги вақтларда дунё ҳамжамияти кескин инқирозни бошидан кечираётди. Аксарият зиддият ва низолар айнан ИХТ маконидан содир бўлаётгани фикри-мизнинг тасдиғидир. Жанубий Осиё ва Яқин Шарқда юз берган воқеалар, халқаро ҳуқуқ ва глобал хавфсизлик институтларининг таъназули мулоқот ва ҳамкорликни янада заифлаштириб, куч ишлатиш ва зўравонликка кенг йўл очмоқда. Демакки, геосийёсий воқеалар халқаро логистика занжирларининг узилиш хавфи нақадар юқорилиги ҳамда муқобил транспорт йўлақларини шакллантириш стратегик аҳамиятга эга эканини яна бир бор исботлади. Бу борада Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли лойиҳасини амалга ошириш бошлангани, келгусида ушбу магистраль тармоқ Трансафғон йўла-ги билан туташиб, кенг минтақа-миздаги транзит тармоқларини са-марали равлантириш имконини бериши билан аҳамиятли.

Бешинчидан, минтақада янги авиақатновлар йўналишларини очиш, авиакомпаниялар ўртасида инновацион ҳамкорлик шакллари-ни йўлга қўйиш, туризм ва авиа-ция соҳалари ўртасида маркетинг бўйича интеграциялашган стра-тегияларни ишлаб чиқиш долларб аҳамиятга эга. Ушбу масалаларни муҳокама қилиш мақсадида Миллий авиакомпаниялар форумини Самарқандда ташкил этиш тақдир қилинди. Шубҳасиз, ташкилот дав-латлари ўртасида авиақатновлар жадаллаштирилмас экан, сайёҳ-ликини ривожлантириш борасидаги ташаббуслар ҳаёлий бўлиб қола-веради. Вақоланки, аёзо давлат-лар келажақда туризм соҳасида сайёҳлар оқимини икки баробар ошириш учун етарли салоҳиятга эга.

Олтинчидан, ташкилот доираси-да чўл ҳудудларида ўрмонлар бар-по қилиш, рекреация зоналарига асос солиш бўйича Трансчегара-вий “яшил дастури”ни ишлаб чи-қиш тақдирини илгари сурди. Бу ҳужудам асосли тақдир бўлиб, дунё мексикада чўлланши, климат ўзга-риши, қургўқчилик ва сув тақчил-лиги давом этаётган ҳозирги му-раккаб шароитда ўрмонлар, яшил ҳудудларнинг ташкил этилиши му-аммо кўламини қисқартиришга ёрдам беради.

Давлатимиз раҳбари илгари сурган ушбу ташаббуслар ИХТ дав-латлари ўртасида амалий ҳамкор-ликини янги босқичга олиб чиқиш, ташкилотнинг халқаро майдонда-ги обрў-эътибори ва нуфузини яна-да ошириш, энг асосийси, унинг фаолиятини замон талабларига мос равишда такомиллаштиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Транзит салоҳияти оширилади

Ўзаро иқтисодий ҳамкорлик яна-да жадаллашувида минтақалари-миз транспорт йўлақларини кен-гайитириш ва транзит аҳамияти-ни ошириш, айниқса, муҳим аҳамият эга. Биз, Ўзбекистон — Туркмени-стон — Эрон — Умон, Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой транспорт йўлақларини, шунингдек, Озарбай-жон орқали Туркия ва Европа дав-латларига чиқиш йўллари ривож-лантиришдан манфаатдоримиз. Шу билан бирга, янги тақдир этилган Мозори-Шариф — Қобул — Пешо-вар темир йўлининг қурилиши Аф-ғонистонни минтақамизга интегра-ция қилиш ва барқарор тараққиёт-га эришишида катта туртки бўла-ди. Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, мазкур транзит йўла-лари маҳсулотларимизни жаҳон бозорига арзон нарҳларда чиқа-риш имкониятини яратди. Демак, улкан бозорга эга бўлган мамла-катларнинг савдо ва инвестиция соҳаларидаги мавжуд катта имко-ниятларидан тўлиқ фойдаланилса, юртимизга, минтақамизга катта микдорда сармоялар кириб кела-ди, бундан халқимиз ҳам, ташки-лотга аёзо давлатлар аҳолиси ҳам бирдек фойда кўради.

ИХТ ҳар қандай минтақавий ту-зилмадан фарқли ўлароқ, Афғо-нистондаги вазият барқарорлашу-вини чиндан-да хоҳлайди. Бундан ташқари, Марказий Осиёнинг учта мамлақати — Ўзбекистон, Тожики-стон ва Туркменистон, шунингдек, Эрон ҳамда Покистон Афғонистон билан бевосита чегарадош бўлиб, уларнинг барчаси афғон заминид-да тинчлик ва барқарорликдан манфаатдор. Шу маънода, анжу-ман ишида узоқ танафусдан сўнг Афғонистон Муваққат ҳукумати де-легацияси иштирок этгани бу мам-лакатни ташкилот маконининг аж-ралмас бир қисми, иқтисодий ҳам-корлик ва транспорт соҳасидаги ўзаро боғлиқлик жараёнларининг муҳим қатнашчиси сифатидаги роли ва аҳамиятини оширади.

ИХТнинг ҳозирги кундаги мақ-садлари аниқ, прагматик ва шай-шоф. Бу савдо-сотик йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш, мин-тақалар ўртасидаги савдонини рив-ожлантириш ва ИХТга аёзо мам-лакатлар товарларини глобал бо-

зорларга олиб чиқишга йўнали-рилган. Маданий ва тарихий ало-қаларни мустаҳкамлаш ҳам ундан кам бўлмаган аҳамиятга эга.

Умуман олганда, ИХТнинг жи-пс-лашуви минтақадаги қолган фаол акторлар манфаатларига зид кел-майди. Улар ИХТга аёзо мамла-катлар билан шусиз ҳам икки то-монлама ёки кўп томонлама асос-да (“5+1”, ШХТ, ЕОИИ) ҳамкорлик қилиб келмоқда.

ИХТга аёзо мамлакатлар транс-порт ва энергетика коридорлари билан боғлиқ Чоёҳор хинд — эрон лойиҳаси амалга оширилишидан манфаатдор. Жумладан, Ўзбеки-стон Эрон Ислом Республикасини очик денгизга чиқиши учун энг яхши, энг қулай ва энг арзон йўна-лишлардан бири сифатида била-ди. Техрон ҳам, ўз навбатида, ўзи-нинг темир, автомобиль ва денгиз йўли тармоғи, хусусан, Бандар Аббос ва Чоёҳор портларидан Ўзбекистонлик тадбиркорларнинг савдо-иқтисодий мақсадада фой-даланиши, Ўзбекистон ва бошқа давлатлар товарларини ташиши учун тайёрлигини билдирмоқда. Икки давлат Ашхобод битими, Эрон, Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасидаги уч томонлама битим, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти ҳамда бошқа қилишувлар доира-сида айни йўналишдаги ҳамкор-лиқнинг ҳуқуқий, консуллик ва бож-хона билан боғлиқ шарт-шароити-ни яратишга ҳаракат қилмоқда. Эрон томони Ўзбекистонни Чоба-хор битимига ҳамда “Шимол — Жануб” йўлагига қўйишга тайёр-лигини билдирган. Шу кунга қадар мазкур масалада кўплаб ташир-лар уюштирилди, музокаралар амалга оширилди. Худди шунинг-дек, Ўзбекистон темир ва автомо-биль йўли тармоғи эронлик тад-биркорларнинг бошқа давлатларга чиқиши учун қулай йўналиш ҳисоб-ланиб, икки томонлама, минтақа-вий ва халқаро битимлар доираси-да ушбу имтиёздан фойдаланган.

Шубҳасиз, юк ташишини энгил-лаштириш ва соддалаштиришда транспорт ва логистика соҳасини рақамлаштириш ўта муҳим. Бу бо-радаги ишларни тизимли асосда йўлга қўйиш мақсадида давлати-

Давлатимиз раҳбари томонидан ИХТ саммитида билдирилган тақдир ва ташаббуслар Ўзбекистоннинг халқаро ва минтақавий саҳнадаги мавқеини янада мустаҳкамлайди. Зотан, ўзаро ишонч-га асосланган эзгу ташаббус ва тенг манфаатли ҳамкорлик-дан Ўзбекистон ҳам, қолган давлатлар ҳам фойда кўради, ал-батта. Эришилган аҳдномалар, қилишувлар амалга ошса, аёзо давлатлар ўртасида инвестициялар, товарлар ва хизматлар эркин айланиши таъминланади. Бу янги бозорлар пайдо бўлиши, қўшим-ча иш ўринлари яратилиши, аҳолининг барқарор даромад билан таъминланиши, қисқача айтганда, умумманфаатга хизмат қилиши муқаррар.

Шерзод СИҶДОРОВ, Тошкент давлат иқтисодиёт университети-нинг инфратузилмани ривожлантириш ва иқтисодиёт ишлари бўйича проректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

Халқ сўзи Народное слово

ТАНЛОВИГА

миз раҳбари Рақамли транспорт ва божхона идорасини ташкил этиш тўғрисидаги ташаббусни амалга татиқ қилишга ва экспертлар да-ражасидаги музокараларни жадал-лаштиришга қақиргани юксак эъти-рофга сазовор бўлди.

Минтақадаги марказий давлат

Бугун минтақада мустаҳкам ҳам-корлик ҳамда глобализм ва регио-нализм ўзаро қатишиб кетганига шохид бўлиб турибмиз. Турли давлатлараро тузилмалар — ШХТ, ЕОИИ, ИХТ, “Бир макон, бир йўл”, “МО+1” ва бошқа ташкилотлар манфаатларининг яқинлашуви улар-нинг эҳтимом тутилган рақобатини юмшатади ҳамда куч ва манфаат-лар мувозанатида рия қилиш учун платформа яратди. Айни чоғда глобал давлатларнинг минтақавий муаммоларни ҳал этишдаги ишти-роки даражасини минтақанинг ўзи манфаатлар мувозанатида рия қилиш асосида тартибга солади.

Ўзига хос тарих, маданиятга эга минтақамиз айни пайт янада жиқлашиб, интеграциялашмоқда. Бу борада Ўзбекистоннинг роли жуда муҳим. Бир томондан, давлати-миз раҳбарининг тақдир ва ташаб-буслари тўғрйли Туркия, Эрон ва Покистон ўртасидаги сиёсий ишонсизлик ўрнини савдо-иқтисо-дий тўсиқларни олиб ташлашга қаратилган қулай бизнес муҳити эгаллади. Натижада ташкилотнинг салоҳияти юксалди. Марказий Осиёда эса Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуслари ор-қали сиёсий ишонч ортди. Ўзбеки-стон минтақанинг юраги сифатида Марказий Осиё интегратори роли-ни тобора кенгайтирмоқда, шу би-лан бирга, барча минтақавий таш-килотлардаги иштирокини фаол-лаштириб, халқаро мексикада дадил ташаббусларни илгари сурмоқда.

Шерзод СИҶДОРОВ,

Тошкент давлат иқтисодиёт университети-нинг инфратузилмани ривожлантириш ва иқтисодиёт ишлари бўйича проректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

Эзгулик

КЕЛАЖАККА УМИД УЙҒОТГАН РАҒБАТ

— Танамда оғриқ туриб дўхтирга борсам, обдан сўради, текширди, сўнг бироз ўйланиб турдию касаллиқни анча ўтказиб юборибсиз-да, эрталоқ келсангиз бўлмайди? — деди. Юрагим шув этди, беҳосдан бошим айланиб деворга суяниб қолибман.

Даволанишга тушдим, аммо бир ойлар чамаси ўтса-да, фойдасини кўпам сезмадим. Шу орада қизим руҳий хасталикка чалинди. Дард устига чипқон бўлди бу. Яшайдан ҳам, ишайдан ҳам кўнглим совиди. Э, Худо дейман, мен-ку озми-кўпми яшадим, кўрдим, қизимда не гуноҳ, ахир у норасида-ку?!



Шундай кунларнинг бирида бошқарманинг янги бошлиғи Хивага кел-ган, сизни сўрапти, иш-хонага келинг, дея кўнги-роқ бўлди. Шунча кун ишга боролмадим, ари-зангизни ёзинг, кетинг, деса керак, бошқа нима-ям, дерди?! Ўйлайман: начора, бўям бир синов-дир. Бошимда минг бир ўйлар чарх уради, энди нима қилдим?..

Хоразм вилояти Вете-ринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқар-маси бошлиғи Шерзод Абилов буй-баста қелиш-ган йигит экан, ҳаммаси-ни эшитдим, соғайиб ке-тинг опа, биз эса сизга мана бу техникани лозим кўрдик, муборақ бўлсин, чарчаманг! Шу мотоцикл-га миниб тўхтаманг ҳам, деди. Ҳамкасбларим гур-ра қарсақ қалишди. Тех-никанинг қалитини қўлим-га оламану севинганим-дан беҳиётёр кўзимдан дув-дув ёш тўкилади, денг. Мана, 25 йилдан ошдики, Хива туманида ветфельдшер бўлиб иш-лайман, аммо бу орада

хеч ким менга на раҳмат, на бир оғиз ширин гап айтиди.

Яп-янги мотоцикл — бу мукофот, тушимга ҳам кир-маган. Хайратдаман, хай-ратда! Техникани миниб кўрдим, зўр экан, жуда ишбоп, асбоб-ускуналар қўядиган жойи ҳам бор.

Хивалик оддий қишлоқ аёли, техникумда ўқиб, ўзи севган касбда ишлаб кадр топган Муяссар Бобожо-нова биз билан хайрлашар чоғ янада кўтаринки кайфи-ятда шундай деди:

— Айтсам ишонмайсиз. Яқинда навбатдаги ярим йиллик тиббий кўрикдан ўтдим, муолажа натижа бе-рибди. Соғайишни бошлаб-ман. Қизимда ҳам ўзгариш бор, бу беҳад қувонгим, оиламизда яшау ишлаш-га рағбатим ошганидан, ал-батта. Яратганинг қудра-тидан лолман. Айни кезде-ги дилимдаги гапни эса асло муболаға деманг — мен каби оддий кишиларни, ночор оилаларни қўллаб-қувватлаётган янги Ўзбе-кистон боқий бор бўлсин!

Абдунаби АЛИҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

ҚАЛЪАЖИҚНИНГ ИККИНЧИ УМРИ

Қалъажик — Хоразм воҳасидаги энг қадимий қалъалардан бири. У миллоддан аввалги IV асрда барпо этилган. Богот тумани ҳудудига жойлашган ушбу қадимий осорياتиқа нотўғри тўртбурчак шаклига эга бўлиб, умумий майдони 6 гектарни ташкил қилади. Деворларининг қалинлиги 5 метр, баландлиги 12 — 14 метр бўлган. Ундан мудофаа истеҳкоми сифатида фойдаланилган. Қалъа деворлари устидаги камондан ўқ узиш учун мўлжалланган махсус тешиқлар ҳозиргача сақланиб қолган.

Туризм

Қалъанинг яна бир характерли ху-сусяти шундан иборатки, унинг жану-бирида шифобахш таркибга эга табиий тузли кўл жойлашган. Бу маскан ҳар йили суратдошларига шифо естаб келган юртдошларимиз билан гавжум-лашади. Утган асрнинг 60 — 70-йил-ларида қалъага олиб борувчи йўл бўлмагани сабабли саёхатчилар яёв юриб, баъзида от, туя миниб қелиш-ган. Тери касалликлари, бўғимлар ва таянч-ҳаракат аъзолари касалликлари-га чалинган кишилар кўнглинг шифо-бахш сувида қўмилиб, кўм ваннаси қабул қилишади.

Археологик, тиббий ва экотуризмни

ривожлантириш учун жуда қулай шароит ҳамда имкониятлар бўлишига қарамадан, ушбу тарихий маскан йил-лар мобайнида эътибордан четда қолиб келди, ташландиқ аҳволга тушди...

Кейинги йилларда Хоразм вилояти-нинг туризм салоҳиятини юксалтириш борасида бошланган хайрли ташаббус-лар тўғрйли Қалъажикда ҳам қатор ис-тиқболли лойиҳалар амалга оширилди. Эндиликда ҳудуд қиёфаси тубдан ўзга-риб, қалъа атрофидаги ташландиқ май-дон ва асрий қумлиқлар ўрнида эртак-монанд шаҳарча пайдо бўлди.

— Ушбу тарихий қалъанинг номи во-ҳадан ташқарида ҳам анча машҳур бўлиб, бу ерда тиббий, гастрономик ва экотуризмни ривожлантириш учун жуда катта имкониятлар мавжуд, — дейди

“Қалъажикқалъа оазис экотуризм” фермер хўжалиғи раҳбари Дилором Вафоева. — Шу боис 2019 йилда Қалъа-жикда сайёҳлик марказини барпо этиш-га киришдик. Лойиҳанинг 1-босқичида 2 та ресторан, битта 20 ўринли меҳ-монхона, 10 та ҳунармандчилик савдо растаси, 14 та савдо шохобчаси, 30 гек-тар майдонда сунъий балиқ ҳавзалари, қайиқда сузиш, балиқ овлаш хизматла-ри, 40 та ўтов ҳамда 500 ўринли ёзги дам олиш жойлари (пляж) ташкил қил-дик. Бу ишларни амалга ошириш учун 25 млрд. сўм сарфланди, 250 та янги иш ўрни очилди. Лойиҳанинг 2-босқичини амалга ошириш мuddати 2025 йилга ре-жалаштирилган бўлиб, айни кунда са-наторий, 400 ўринли амфитеатр, 150 ўринли меҳмонхона, 2 та ёпиқ сув ҳавзаси қурилиши давом этмоқда.

Қалъажикда сайёҳлик йўналишидаги яна бир йирик лойиҳа “Хумоюн турис-тик маскани” маъсуляти чекланган жа-мияти томонидан амалга оширилмоқда.

— Туркия, Озарбайжон ва бошқа хо-рижий давлатларда хизмат сафарлари-да бўлиб, туризм инфраструктурасини

барпо этиш борасидаги илғор тажри-баларни ўрганганимиз бугун қўл кел-моқда, — дейди тадбиркор Гулшан Отажоновна. — Шу асосда Қалъажикда келаётган хорижий ва маҳаллий сайёҳ-ларга хизмат кўрсатиш борасида биз-нес-режа ишлаб чиқилди. Хивадаги Чодра ҳовли меъморий обидаси тархи асосида баландлиги 16 метр бўлган, 4 қаватли бино барпо этдик. Унда му-зей, меҳмонхона ва энг тепасида тева-рак-атрофни томоша қилиш учун очик айвон мавжуд. Кўл атрофида сайёҳлар дам олиши учун замонавий совитиш ва иситиш тизимларига эга 20 тадан ортиқ ўтов тикилди. Бундан ташқари, барча қулайликка эга 20 ўринли меҳмонхона, автомобиллар тураржойи ва сунъий кўл саёхатчилар хизматида.

Шунингдек, дам олиш масканида амалга оширилаётган бошқа лойиҳалар-да сайёҳларни қўм барханлари бўйлаб туяларда, отларда сайр қилдириш, за-монавий қайиқларда сув ҳавзалари бўйлаб саёхатлар ўрин олган. Гастро-номик туризм билан боғлиқ янгилар-лар ҳам узоқ-яқиндан ташриф бўйрган



меҳмонларни бефарқ қолдирмайди.

Бугун Қалъажикда турли минтақалар-дан ташриф буюраётган саёхатчилар-ни кўплаб учратасиз.

— Денгиз соҳилларидаги имконият-лари билан туристларни жалб этадиган мамлакатларга қиш фаслида саёхат қилиб бўлмайди, — дейди туркиялик сайёҳ Хава Орду. — Ўзбекистонда эса йилнинг тўрт фаслида ҳам томоша қи-ладиган ва дам оладиган гўзал маскан-лар, бетакор тарихий ёдгорликлар бор. Мен Қалъажикда биринчи марта бўли-шим, бу эртакмамо шаҳарча менга жуда ёқди. Айниқса, баландликдан туриб бе-поён сахро кенгликларини кузатиш ин-сонга ўзгача кайфият бағишлайди.

Бугунги кунда Қалъажик нафақат ту-ризм маскани, балки ўзига хос кино

шаҳарчасига айланмоқда. Қалъага ёндош ҳудудда барпо этилган “кино шаҳарча”да илк бор шоир, файласуф, кураги ерга тегмаган полвон Паҳлавон Маҳмуд ҳаёти ва ижодига бағишлаб “Хива лангари” бадийий фильми сурат-га олинди. Умид қиламизки, ушбу мас-канда яна кўплаб киноасарлар ярати-лади ва қўхна Қалъажикнинг туризм марказларидан бири сифатида дову-рини дунёга таратишга хизмат қилади. Асрлар силсиласида емирилиб, йўқ бўлиб кетиш хавфи таҳдид солиб кел-ган Қалъажик қалъаси атрофида яна жўшқин ҳаёт қайнаб, қалъанинг иккин-чи умри бошланмоқда, гўё.

Одилбек ОДАМБОЕВ («Халқ сўзи»).

Россиянинг Екатеринбург шаҳрида бўлиб ўтган «INNOPROM — 2025» халқаро саноат кўргазмасида «Made in Uzbekistan» миллий стенди ташкил этилди.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 742. 11 875 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси қелишилган нархда.

Газетанинг ҳақиқатий маълумотларини юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; қопилбаст 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Тахриратта келган кўлемалар тақриз қилинмайди ва мукаллиф қайтарилмайди.

Газетанинг кўзга берилиш учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавбар.

Газета тахриратта марказида термиди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақланади.

Газетанинг полиграфия жиҳатдан сифати чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси маъсул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.00 Топширилди — 23.00 1 2 3 4 5 6